


2024 йилнинг энг кекса ҳожиси



17:10 / 10.06.2024 1616

2024 йилги ҳаж мавсумида ироқлик 104 ёшли онахон Казимия Ҳатим ҳаж ибодатини адо этиш учун 25 май куни шаҳзода Муҳаммад бин Абдулазиз халқаро аэропортига етиб келди. У Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларини зиёрат қилди.

Ироқдан келган энг кекса ҳожи Казимия Ҳатим шаҳзода Муҳаммад бин Абдулазиз халқаро аэропортида ҳурмат билан кутиб олинди.

Қиролликка ташриф буюрган 104 ёшли онахон бу йилнинг энг кекса ҳаж зиёратчиси эканлиги аниқланди.

2024 йилги ҳаж мавсумида Саудия Арабистонига 33 000 дан ортиқ ироқлик зиёратчилар келиши кутилмоқда.

Ироқ Ҳаж миссияси бу кекса онахонни бутун Ироқ жамоатчилигининг
ғурури эканлигини қайд этган.

Ҳозирда онахоннинг соғлиғи яхшилиги, мунтазам равишда шифокорлар
назоратида эканлиги маълум қилинган.

Казимия Ҳатим ҳаж зиёратига келганидан хурсандлигини билдирган
ҳамда ҳамроҳлари томонидан кўрсатилаётган самимий хизматлари учун
миннатдорчилигини изҳор этган.